Ушбу сонда:
2 Долзарб мавзу ВАЎДАДАН ИМОРАТ ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ
3 НОГИРОНГА ДАВЛАТ СОЯБОН
4 ҚИШ СИНОВДАН ЎТКАЗАДИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 1 декабр, жума №172 (1004)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

XXI АСРГА 30 КУН ҚОЛДИ

Вақти етди, узлатдан чиқариб ўзни,
Яхши-ю ёмондан юмайлик кўзни.
Аввал ўз ишимиз поёнин билиб,
Кейин бошқалардан сўрайлик сўзни.

Жиҳомий ТАНҲАВИЙ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

МУБОРАК ҲАЖ ЗИЁРАТИГА БОРУВЧИЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ ҲАҚИДА

Мамлакатимиз фуқароларининг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, муборак ҳаж амалларини адо этишда қулайлик, имтиёз ва зарур шароитларни яратишга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси карор қилади:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2001 йилда ҳаж зиёратини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Муборак ҳаж сафарини ташкил қилиш, зиёратчилар рўйхатини республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармаларининг жойлардаги бўлиналари вакиллари иштирокида кенг жамоатчилик фикрини эътиборга олган ҳолда тузиш, мусулмонларнинг талаб-эҳтиёжларини адолатли равишда қондириш масъулияти Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарияти, унинг жойлардаги мутасадди вакиллари зиммасида эканлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита уларга ёрдам кўрсатиши эътиборга олинсин.

3. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси (А.Рўзметов) 2001 йил феврал-март ойларида зиёратчиларнинг Ҳаж сафарига бориб-келишлари учун қулай шароитлар яратиш, Тошкент-Жидда-Тошкент йўналишидаги авиачипталарнинг нархини арзонлаштириш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Ташқи ишлар вазирлиги (А.Комилов), Давлат божхона қўмитаси (С.Арипов) Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг тақдимига кўра зиёратчиларнинг сафар ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров) Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги томонидан қўйилган тиббий талаблар ва мамлакатнинг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда зиёратчиларни кўрикдан ўтказишни, ҳаж даврида уларга ёрдам кўрсатишни ташкил этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) ва Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ноқонуний йўллар билан ҳаж зиёратига бориши оқибатида рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш ҳамда зиёратчиларнинг умумий хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини белгиласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки (З.Мирхўжаев) Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасдиқлаган рўйхатга биноан, мамлакатимиздан ҳажга кетаётган ҳар бир фуқаро учун 1500 (бир ярим минг) АҚШ долларини имтиёзли - воситачилик ҳақи олмаган ҳолда алмаштириб беришни таъминласин.

Зиёратчиларнинг тегишли миқдордаги сўмларини жойларда умумлаштирилган ҳолда йиғиб олиш ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг тегишли бўлимларига топшириш Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг масъул ходимлари зиммасига юклансин.

Бу маблағлар Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Миллий банкдаги махсус ҳисоб рақамига жамланиб, белгиланган миқдори конвертация қилинсин. Конвертация қилиш чоғида улар воситачилик йиғимларидан ҳамда маҳаллий солиқлардан озод этилсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон мусулмонлари идораси барча зарур тўловларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг чет эл банкларидаги корреспондент ҳисоблари орқали пул ўтказиш йўли билан амалга оширади.

9. Ўзбекистон Республикаси пул-кредит сиёсати комиссияси (Ф.Муллажонов) ҳажга борувчи фуқаролар ва ҳожиларга хизмат кўрсатувчи ишчи гуруҳининг сафар харажатлари учун валютани республика биржаси орқали Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига имтиёзли равишда - воситачилик ҳақи ҳамда валюта сотиш учун ундириладиган тўловларни олмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий курси бўйича сотишни таъминласин.

10. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда оммавий ахборот воситаларига муборак ҳаж зиёратининг моҳияти ва талабларини, уни амалга оширишнинг тартиб-қоидаси, муддати, барча шартларини, унинг якунларини кенг ва ошкора ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 29 ноябр





ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ШАРОФАТИ

Тошкент туманидаги Муҳамаджон Фозилов номли жамоа хўжалигида сутни қайта ишлаш технологияси ишга туширилди. Энди бу илғор хўжалик халқимизга саккиз хилдаги сифатли сут маҳсулотларини тортиқ этиш имконига эга бўлди.

Суратларда: (чапдан) кичик корхона ишчилари С.Абдуллаев ва О.Солихов; замонавий технологияни пухта ўзлаштириб, яхши кўрсаткичларга эришаётган қадоқловчи А.Собирхўжаев.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Олмаликдаги «Бетонинвест» акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш ҳажмини бир ярим бараварга кўпайтирди. Айни кунларда бу ерда тайёрланаётган темирбетон маҳсулотлари республикамиздаги йирик қурилишларга пешма-пеш етказиб берилмоқда.

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ МАДАДИ

Тошкент вилоятида барпо этилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилишларида корхонада ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли маҳсулотлардан, айниқса кенг фойдаланилмоқда. Жамият аъзолари шу йилнинг ўтган ўн бир ойи мобайнида қурувчиларга 120 миллион сўмлик қурилиш материаллари жўнатишга эришди.

Корхона бундан икки йилча аввал ишлаб чиқариш ҳажмини кескин камайтириб юборган, банкрот ҳолатига келиб қолган эди. Мулкчиликнинг илғор шаклини жорий этиш, бозор талаблари асосида иш юритиш, энг муҳими, мижозлар билан яқин ҳамкорлик қилиш ўз самарасини берди.

- Корхонамиз аввалги мавқеини тиклаб олишида Миллий банкнинг ёрдами айниқса катта бўлди,- дейди жамият бошқаруви раиси Ўктам Қиличев. - Биз мазкур банкнинг Олмаликдаги филиали билан ҳамкорлик қила бошлагач, имтиёзли кредитлар ҳисобига ишлаб чиқаришни қайтадан йўлга қўйиб олдик. Натижада, қисқа муддат ичида мавжуд қарзларимиздан ҳам қутилдик. Айни пайтда қурилиш материалларининг янги турларини ўзлаштирмоқдамиз.

(ЎзА)

ФОРИШДА БИЗНЕСМЕНЛАР МАРКАЗИ

Фориш туманида тадбиркорлар сансалорлигининг олдини олиш йўлида яна бир хайрли қадам қўйилди. Тумандаги давлат банкининг эски биноси қайта таъмирланиб, унга фермерлар уюшмаси, тадбиркорлар палатаси, хусусийлаштириш бўлими ҳамда молия, солиқ, суғурта, пенсия, банк, ҳуқуқ идораларининг вакиллари жойлашди.

Ушбу бинода ёш бизнесменлар маркази ҳам ўз фаолиятини бошлади. Марказга ташриф буюрган тадбиркор ва ишбилармонлар, аввалгидек туманнинг турли бурчагига югурмай, бир жойнинг ўзида ишларини битириб олиш имкониятига эга бўлдилар.

Шу сонга хабарлар

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Конимех туманидаги «Маданият» ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан янги иш ўринлари яратилмоқда. Бу ерда яқинда иш бошлаган тикув цехида туя жунидан пўстин ҳамда махсус кийим-бош тайёрланмоқда. Маҳсулотнинг асосий қисмини Зарафшон шаҳридаги «Агама» фирмаси сотиб олаётган бўлса, қолгани чўпонларга тарқатилаяпти.

Я.САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

УЧ СМЕНАЛИ КОРХОНАДА

Денов туманидаги «Сурхонозиқовқат» ҳиссадорлик жамиятида шартномавий режалар ортиғи билан бажарилмоқда. Бу ерда бир кеча-кундузда минг тоннагача пахта ёғи ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонада иш уч босқичда ташкил этилган. Тунда ишловчилар алоҳида меҳрибонлик билан қуршаб олинган. Уларга сут маҳсулотлари, кийим-бош вақтида етказиб берилаяпти. Соғлом авлод йили дастурига кўра фаолият юритаётган 159 нафар хотин-қизнинг иш вақти бир соатга қисқартирилган. Бундан ташқари 140 ўринли болалар боғчаси ҳамда маиший-хизмат ҳақи 50 фоизга арзонлаштирилди. Тиббиёт хонаси узлуксиз фаолият юритади.

Спортга бўлган муносабат тубдан ўзгармоқда. Жумладан, ҳиссадорлик жамиятининг футбол жамоаси шаҳар биринчилигида ғолиб чиққанлиги учун 150 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Т.ЖАЛИЛОВ, «Ишонч» мухбири.

БОШИНГ ОМОН БЎЛСИН

Андижондаги вилоят ўлкашунослик музейида «Ўзбек миллий либослари» кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазма кўпчиликнинг, айниқса, ёшларнинг эътиборини ўзига жалб этмоқда.

— Кўргазмага мактаб ўқувчилари, гимназия, лицей, коллеж талабалари ўқитувчилар бошчилигида келишмоқда, — дейди музей илмий ходими Р.Муҳаммедова, — биз уларга қадимий либосларимизнинг ихчам, қулай, чиройли бўлишидан ташқари гулларида рамзий маънолар яширинганини ҳам тушунтиряпмиз. Масалан, эркаклар дўпписига қалампир расми беҳуда тикилмаган. Миллий урф-одатларимизда қалампирга ёмон кўздан асровчи сифатида қаралади, дўппининг жияк устидаги нақшлари эса, мустаҳкам қўрғон деворларига ишорадир. Бу, бошинг омон бўлсин, деган маънони билдиради.

М.АБДУКАРИМОВ, «Ишонч» мухбири.

САХОВАТ

Одамларга яхшилик қилиш, ночорлар ҳолидан хабар олиш хайрли ишдир. Айниқса, Муборак Рамазон ойида савобталаб инсонлар, жамоат ташкилотлари кўпгина эзгу ишларни амалга оширмоқдалар. 3 декабр — Халқаро ногиронлар куни муносабати билан Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Марказий Кенгаши, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида жойлашган "Эркаклар мурувват уйи"га саховат кўрсатиб, унинг ҳисоб рақамига юз минг сўм маблағни хайрия ёрдами сифатида ўтказиб берди.

Н.ОТАМУРОДОВ.

«Ишонч» бонг уради

МАЖБУРИЙ ТАЪТИЛ

«Қашқадарёқурилиш» корхонаси тасарруфидаги қурилиш материаллари комбинати темир-бетон буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

Бахтга қарши сўнгги вақтларда бу ерда иш орқага кетди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми камайиб, қатор цехлар фаолиятини тўхтатди. Анча вақтдан буён ойлик маош берилмаётганлиги ишчилар кайфиятига, унумдорликка салбий таъсир ўтказмоқда. Таажжубки, корхонада иш ҳақидан қарздорлик 1 миллион 400 минг сўмни ташкил этди. Калаванинг учини йўқотиб қўйган мутасаддилар ишчи-хизматчиларни мажбурий таътилга чиқаришмоқда.

Корхона цехларини айланарканмиз, муҳит дарз кетганлигини пайқадик. Ишловчиларнинг кайфияти йўқ. Баъзи цехлар хувиллаб қолган.

— Айрим қурилиш материаллари тақчил бўлганлиги учун иш юришмаяпти, - дейди корхона раҳбари Мамат Аминов. — Лекин у, буни баҳона қилмоқчи эмасман. Очиғи, бозор талабини тўла ҳисобга ололмадик. Иқтисодиётни юксалтириш, керакли материаллар узлуксиз келишини таъминлаш йўлларини вақтида ахтармадик. Айрим ўринларда изчиллик етишмади.

Таҳлил шуни кўрсатадики, иш йил бошидан пухта ташкил этилмаган. Жамоа шартномалари номигагина тузилган. Унда ишловчилар томонидан билдирилган таклиф-мулоҳазалар инобатга олинмаган. Энг ёмони - ижро интизоми талабга жавоб бермайди.

Катта майдонни эгаллаган корхонанинг бетон қоришмалар тайёрланадиган цехида саноқли кишилар ишлашяпти. Дам олиш, овқатланиш учун шароит йўқ. Қудратли техникалар анча вақтдан буён ишлатилмай бекор турибди. Уларни бошқарадиган кишилар мажбурий таътилда...

— Саккиз йилдан буён шу корхонада ишлайман, - дейди кўтарма кран ҳайдовчиси Фарҳод Ҳусанов. — Таъминотдаги узилишлар сабабли баъзида уззукун ишламай, қимматли вақтни зое ўтказамиз. Боз устига, маошимизни ойлаб ололмаяпмиз. Шундай кезларда корхона касаба уюшма қўмитаси бонг уриш ўрнига муросасозлик йўлини тутди. Раҳбарларимаётганлигининг сабабларини билиш мақсадида бош ҳисобчи Валентина Власенкога мурожаат қилгандик, у бизга жаҳл қила кетди.

— Узр, иш юришмагандан кейин айримларнинг асаблари дош беролмай қоларкан, - деди корхона раҳбари. — Ҳар куни ишчи-хизматчилар қонуний ҳақларини сўраб бош ҳисобчига мурожаат қилишади, эътирозлар билдиришади. Маълум даражада уни ҳам тушунса бўлади.

Тажрибали мутахассислар ваъда беришдан нарига ўтишмаяпти. Ваъда билан эса бола-чақани боқиб бўлмайди. Яқинда уч ойлик мажбурий таътилда бўлдим. Ишга қайтсам аҳвол озгина бўлса-да яхши томонга ўзгармабди.

— Меҳнат муносиб қадрланмаса, маошнинг тайини бўлмаса яхши натижа ҳақида гап бўлиши мумкин эмас, - дея фикрини ифодалади ишчи И.Холмирзаев, - ишонасизми касаба уюшма томонидан санаторий ёки бирон дам олиш уйига йўлланма олганимизни эслай олмаймиз. Ўзим эса 45 минг сўмдан ортиқ иш ҳақимни ололмай сарсонман. Ноиложликдан бўшаш ҳақида ариза ёздим... Алексей Тихонов, Ўғилтош Муҳаммедовлар ҳам бошқа корхонага ўтиб кетишди.

Нима сабабдан ойлар мобайнида ишловчиларга иш ҳақи бесислар ўринли таъкидлашди, мазкур корхона раҳбарлари боқимандалик кайфиятидан ҳалос бўлиб, мавжуд имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланиш чора-тадбирларини кўришлари керак. Ахир улар тайёрлаётган маҳсулотларга харидор сероб. Чамаси ҳал қилувчи дамларда корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари ҳамда касабақўм раисида тажриба, ташкилотчилик ва қатъиятлик етишмаётган кўринади.

Яна бир нарса биз — журналистларни ғоятда ранжитди. Корхонада давлат тили тўғрисидаги қонун талаблари бажарилмаётир. Иш юритиш, ҳужжатларни расмийлаштириш бошқа тилда олиб борилмоқда. Уларнинг айримларига кўз югуртирарканси масъулиятсизлик ҳам шунчалик бўладими, деб юборасиз. Бир мисол. Бошлиқ қўлига янгигина тутқазилган аризага эътибор қилинг:

«Началку (?) КСМ КДЭ Алиминов (?) М.Ш. от грурчик (?) Холмирзаев Н.

Заявленене (?)

Прощу Вас уволит мене (?) о работника по сопитвену (?) желане. (?) Прошу Вас не отказать. просбе.

21/XI-200. ?

Холмирзаев Н.»

Бу ўтмиш сарқитларидан халос бўла олмаганлигимиз, ишлаш ҳам, фикрлаш ҳам эскича давом этаётганлигига ишонарли мисолдир. Ахир, раҳбар аввало тарбиячи, жамоанинг отаси. У ишчининг қўлидан аризани олиб, наҳотки аянчли даражада ёзилганлигига эътиборини қаратмаган бўлса? Ҳатто ўз шарифи Алиминов эмас Аминов эканлигини унутган бўлса. Жонажон она тилимиздамас, ўзга тилда бунчалар қийналиб, шарманда бўлиб ариза ёзишга ким мажбур этяпти?

Бу алфозда қурилиш корхонасида туб бурилишга эришилади, деб ким ҳам кафолат бера оларди?!

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.

Тармоқ касаба уюшма қўмиталарида

Иш берувчи билан касаба уюшма ўртасидаги ижтимоий шерикчилик хозирги бозор иқтисоди шароитида муҳим аҳамият касб этади. Биринчидан, бу касаба уюшмаларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишлари учун зарур. Иккинчидан, улар рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда иш берувчига ёрдам беришлари лозим. Ўзбекистон автомобил транспорти ва йўл ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси қуйи ташкилотларида бу борада қандай ишлар амалга оширилябти?

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЧИЛИК: ЕТИЛГАН МУАММОЛАР

Хусусан, «Тошвилоятйўловчитранс» концернига қарашли Бекобод тумани автобус-такси саройи ва «Самарқандтранс» бирлашмаси тасарруфидаги 2531-автожамланма жамоаси касаба уюшмалари билан биргаликда йўловчиларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш бўйича ташаббус билан чиқдилар. Унга кўра йўналишлардаги кўплаб автобус салонлари телевизор, совутгич, ширинликлар, чанқовбосди ичимликлар, видеокассеталар, газета ва журналлар билан таъминланди.

Лекин тармоқда иш берувчи билан ижтимоий шерикчилик борасида бир қанча камчиликлар борки, буни айтиб ўтмасдан иложимиз йўқ. Масалан, яқинда «Ўзавтотранс» корпорацияси томонидан Фарғона водийсида жойлашган автокорхоналарнинг транспорт воситаларини ижарага бериш юзасидан иши кўриб чиқилди. Маълум бўлишича бу ерда ҳаммаси бўлиб сотиш шарти билан 91 та енгил, 251 та юк машиналари ижарага берилган. Бироқ бунда кўплаб камчиликларга йўл қўйилган. Тартиб ва низомга мувофиқ автомобиллар корхонада камида уч йил ишлаган ва ўзининг ижобий хусусиятларини кўрсата билган ҳайдовчига берилиши керак. Кўп ҳолларда бунга амал қилинмаган. Асакадаги 84-автокорхонада 3 та юк машинаси бегона кишиларга бериб юборилган. Аксарият кўп жойларда ижара ҳақининг пастлиги, унинг ўз вақтида тўланмаслиги ҳолларига йўл қўйилган. Мазкур корхоналардаги касаба уюшма қўмиталари эса бунга томошабин бўлиб тураверган.

Иш жойларининг қисқариши, банкротлик ва санация каби ижтимоий муаммоларнинг пайдо бўлиши касаба уюшмаларидан ўз фаолиятларини қайтадан пухта кўриб чиқишни талаб қилади. Тармоқда бу борада муайян ўзгаришлар бўлганлигига қарамай, муаммолар сероб. Айниқса, бошланғич ташкилотлар ишини мувофиқлаштириб турувчи, уларни Марказий қўмита билан боғловчи жойлардаги тармоқ касаба уюшма қўмиталари ва кенгашлари фаолияти самарадорлиги етарли даражада эмас. Тошкент вилояти ва шаҳар тармоқ касаба уюшмалари қўмиталарини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шу боис ушбу тармоқ касаба уюшмалари тузилмаси ва штатдаги лавозимларни бозор муносабати шароитидаги талабларга мослаштириш мақсадга мувофиқ бўлур эди,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ўтган йилдаги касаба уюшма ташкилотларида ижро интизомини мустаҳкамлаш чоралари тўғрисидаги қарори қуйи бўғинлар учун муҳим дастуриламал бўлиб қолиши керак. Чунки қаерда ижрочилик интизоми мустаҳкам бўлса, шу ерда унум ва ўсиш бўлади. Тан олиш керакки, бу йўналишда тармоқда бирмунча ишлар амалга оширилган. Мисол учун жорий йилнинг 10 ойи мобайнида Федерация Кенгаши томонидан Марказий қўмитага келган жами 53 та ҳужжатнинг ҳаммаси ўз вақтида муҳокама этилиб, ижросини таъминлаш бўйича чоралар кўрилди. Фуқароларнинг 4 та оғзаки, 6 та ёзма мурожаатлари ўз вақтида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинди. Юқори ташкилотлардан келган ҳужжатларни, қарорларни кўрсатилган вақтда кўриш ва ахборот бериш бўйича Марказий қўмитага бирор марта танбеҳ берилмаганлиги фикримиз далилидир.

Шунга қарамасдан, айрим қуйи ташкилотларда камчиликлар мавжуд. Масалан, Нукус шаҳридаги 19-автокорхонада 575 нафар киши меҳнат қилишига қарамай, ишчи-хизматчиларга бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун шароит яратилмаган. Маданият ва маърифат хоналари ташкил этилмаган. Жамоа шартномасига маданий-оқартув, жисмоний тарбия ва спорт ишларини жонлантириш бўйича биронта ҳам банд киритилмаган. Бундай камчиликлар Наманган вилоятида ҳам кўплаб учрамоқда. Яқинда Марказий қўмита ва Тошкент вилояти тармоқ қўмитаси раҳбарияти ва ходимлари томонидан «Тошвилоятюктранс» концернига қарашли 8 та автокорхона ва Янгийўл автойўл бошқармасида бошланғич касаба уюшма фаолияти кўриб чиқилди. Натижада 2503 автожамланма ва Пскентдаги 82- автокорхонада бирмунча ишлар олиб борилаётгани маълум бўлди. Бироқ қолган корхоналарда касаба уюшма қўмитаси иши бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги аниқланди. Уларнинг 2000 йилга мўлжалланган иш режаси йўқ. Мажлис баённари пала-партиш олиб борилади. Уларда кўрилган масала — фақат моддий ёрдам кўрсатиш билан кифояланган. Жамоа шартномаларининг шартлари кўриб чиқилмаган. Унга дастурлар тўплами киритилмаган. Тўйтепадаги 74, Бўкадаги 122-автокорхоналарда эса жамоа шартномалари умуман қабул қилинмаган . Касаба уюшма қўмиталари алоҳида хоналар билан таъминланмаган. Марказий қўмитанинг ташвиқот-тарғибот гуруҳларини тузиш бўйича қарори бажарилмаган. Маънавият-маърифат бурчаклари ташкил этилмаган.

«Тошвилоятавтойўл» бирлашмаси тармоқ қўмитасида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Масалан, жойларда янги иш ўринларини ташкил этиш, борларини иложи борича сақлаб қолиш бўйича қўмита томонидан ҳеч қандай иш олиб борилмаган. Ҳар ойга мўлжаллаб тузилган иш режасига иккинчи даражали масалалар киритилмоқда.

Албатта, бозор муносабатлари шароитида банкротлик, санация, корхоналарни йириклаштириш ҳоллари тез-тез учраб туради. Лекин, ҳар қандай шароитда ишчиларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолиши керак. Шу билан бирга ишлаб чиқаришни ривожлантириш, даромадни ошириш, иш жойларини кенгайтириш ҳар бир касаба уюшма аъзоси ижтимоий ҳимоясининг асосини ташкил этади. Қолаверса, бу касаба уюшмаларининг иш берувчилар билан иқтисодий шерикчилик муносабатларининг негизи. Бундан ташқари, ҳозирги ишчи фақат ишловчигина эмас, балки у мулк эгаси ҳамдир. Шунинг учун у корхонанинг самарасиз ишлашига бефарқ қаролмайди.

Марказий қўмита томонидан тармоқ касаба уюшмаларининг барча поғоналарига меҳнат ва ҳаракат хавфсизлиги бўйича мукаммал тадбирларни ишлаб чиқиб, жамоа шартномалари ва битимларга киритиш орқали иш берувчиларнинг бу борадаги масъулиятларини ошириш юклатилган эди. Бу муҳим вазифани бажариш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилди. Жумладан, жамоа шартномаларида меҳнат хавфсизлиги бўйича битимлар илова қилиниши асосан таъминланди. Корхоналарда жамоа комиссияларини ташкил қилишга алоҳида эътибор берилди. Натижада ишлаб чиқаришда шикастланиш ва транспортда бахтсиз ҳодисаларнинг бироз камайишига эришилди. Бироқ жойларда олиб борилаётган ишларни ўрганиш шуни кўрсатадики, айрим ҳолларда меҳнат шароити ва муҳофазаси бўйича битимларда тавсия этилган асосий тадбирлар ўз аксини топмаётир. Иш жойларини аттестациялаш, хавфсиз электрлаштириш, меҳнат муҳофазаси бўйича адабиёт ва плакатларни харид қилиш, санитар-тиббий шароитларни яхшилаш каби тадбирлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, муҳандис-техник ходимлар ва раҳбарларнинг меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитилиши ва аттестациясида жамоа комиссияларининг фаоллиги етишмаслиги ҳамда бошқа масалаларда камчиликлар давом этмоқда.

Тармоқ касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ана шу ва бошқа камчиликлар рўй-рост кўрсатиб ўтилди. Тизимдаги касаба уюшма ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди.

Ғулом ЮСУПОВ,
«Ишонч» мухбири.

С А О Д А Т С О Ҳ И Б А Л А Р И

Муборак юртимизда хотин-қизлар алоҳида иззату ҳурматга сазовордирлар. Улар ўзларининг фидокорона меҳнатлари, ташаббуслари билан иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга оширишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Суратларда: (чапдан) Муборак туманидаги Охунбобоев номли ўрта мактабнинг тажрибали ўқитувчиси, «Шуҳрат» медали соҳибаси Р.Қўзиева; Тошкент шаҳар С.Раҳимов шоҳбекати ходими О.Абдуллаева.

И.ҲАСАНОВ ва З.РАҲМАТУЛЛАЕВ олган суратлар.

XXI АСР ҲИСОБИ ОЧИЛДИ

"Қорақалпоқтранс" ҳиссадорлик-давлат бирлашмаси тизимидаги 115-автокорхона жамоаси амалдаги йилни яхши натижалар билан якунламоқда. Бунинг асосий омили корхонада мулк шакли ўзгариб, сифат учун масъулият ҳисси ортганлигидадир. Натижада юк ташиш ҳажми 120 миллион сўмга етди. Бу белгиланган режадан анча ортиқ. Шунингдек, йўловчиларга хизмат кўрсатиш юзасидан ҳам юмушлар кўнгилдагидек бормоқда. Бу борада 3,5 миллион сўм нақд фойда олинганлиги жамоа аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларга етарли шарт-шароитлар яратиб беришни яхшилаш имконини берди.

Пешқадам корхонанинг аҳил жамоаси эришилган ютуқларни янада кўпайтириб, халқ хўжалиги юкларини ва йўловчиларни манзилларига ўз вақтида етказиш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

Абду РАҲМОН,
"Ишонч" мухбири.

КЎРГАЗМАДА – ЎЗБЕКИСТОН МАҲСУЛОТЛАРИ

Шу йилнинг 6-9 декабр кунлари Москвада "Улгуржи озиқ-овқат бозорлари — 2000" кўргазмаси бўлиб ўтади. У Ўзбекистон ва Россия Федерацияси иқтисодий ҳамкорлиги дастури доирасида ўтказилади.

"Ўзэкспомарказ"нинг ахборот, маркетинг ва реклама бўлимидан "Туркистон-пресс"га хабар берилишича, "Ўзмевасабзавотузумсаноат" холдинг компанияси, "Ўзбекбирлашув" акциядорлик компанияси, "Асал" уюшмаси таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар, шунингдек, "Росси", "Уфик" ва бошқа қўшма корхоналар ўз экспонатлари, маҳсулотлари намуналари ва турли ахборот материалларини Москва кўргазмаси павильонларида намойиш этадилар.

Бугунги кунда икки тарафлама иқтисодий алоқалар ўзаро фойдали шерикчилик асосида тузилмоқда. Икки давлат ўртасидаги йиллик савдо айланмасининг ҳажми салкам бир миллиард АҚШ долларини ташкил этяпти. Ўзбекистондан Россияга кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хусусан, мева-сабзавотлар, озиқ-овқатлар, пахта толаси ва автомобиллар жўнатилмоқда. Экспортда шунингдек, енгил саноат маҳсулотлари ҳам асосий ўринни эгаллайди. Россиядан эса Ўзбекистонга техника, нефт кимёси, органик кимёвий бирикмалар ҳамда ер усти транспорт воситалари етказиб берилади.

Айни пайтда самолётсозлик, машинасозлик, агросаноат ва электротехника мажмуаси соҳаларида анча самарали ҳамкорлик олиб борилаётир.

Минтақалар, алоҳида корхоналар миқёсида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Ўзбекистон билан Свердловск вилояти ўртасидаги ҳамкорлик бунга яққол мисол бўла олади. Тошкент ва Екатеринбургда муваффақиятли кўргазмалар ўтказилиб, натижада ўзаро фойдали шартномалар имзоланди.

Ҳозирда Россия сармоялари иштирокида Ўзбекистонда 470 дан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ундан 149 таси Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ҳисобланади, 29 та корхона эса 100 фоиз Россия сармояси асосида ишламоқда.

Россияда Ўзбекистон Республикаси вакиллари томонидан барпо этилган 106 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Москвада "Ўзмевасабзавотузумсаноат" холдинг компаниясининг 3 та савдо уйи иш олиб бораётир.

Москва раҳбариятидан олинган ахборотга кўра, жамоатчилик фикри сўралганда 60 фоиз аҳоли Ўзбекистондан келаётган юксак сифатли маҳсулотларни харид қилиш истагини билдирган.

"Туркистон-пресс"

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Саволларингизга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Валижон ҚЎЧҚОРОВ жавоб беради

1-савол: Бошланғич касаба уюшма ташкилотларида касаба уюшма қўмитаси ва унинг сон жиҳатидан таркиби қандай шаклланади ҳамда қўмита мажлислари қайси муддатларда ўтказилади?

2-савол: Касаба уюшма бадаллари қандай мақсадларга сарфланади?

Раъно ОЧИЛОВА,
Пайариқ тумани.

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмалари Низомининг 4-моддаси 3-бандига асосан 30 нафардан зиёд касаба уюшма аъзоларини бирлаштирган бошланғич касаба уюшма ташкилоти жорий ишларни олиб бориш учун касаба уюшмасининг умумий йиғилишида (конференциясида) 5 йил муддатга сайланади. Касаба уюшма органининг муддатидан илгари сайлови касаба уюшма қўмитаси қарори асосида ўз ташаббусига биноан, шунингдек, касаба уюшма ташкилотидаги касаба уюшма аъзоларининг камида учдан бир қисмининг талаблари ёки юқори касаба уюшма органининг қарори асосида ўтказилиши мумкин.

Касаба уюшма қўмитаси мажлислари заруриятга қараб, камида уч ойда бир марта ўтказилади.

Касаба уюшма қўмитаси аъзоларининг сон жиҳатидан таркибини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг 1999 йил 19 апрелдаги 30-4-сонли қарори билан тасдиқланган «Касаба уюшма органларида ҳисобот-сайловлар ўтказиш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ касаба уюшма йиғилиши (конференцияси) белгилаб беради.

2. Касаба уюшма бадаллари ойлик иш ҳақининг бир фоизи миқдорида тўланади. Йиғилган бадалларнинг 50 фоизи бошланғич касаба уюшма ташкилоти ихтиёрида қолади. Қолган қисми эса юқори касаба уюшма ташкилотига ўтказилади.

Бошланғич касаба уюшма ташкилоти ихтиёрида қолган маблағ, маданий-оммавий ва спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш, моддий ва ҳуқуқий ёрдам бериш, фаолларни рағбатлантириш, касаба уюшма фаолияти билан боғлиқ харажатларга сарфланади.

Юқори касаба уюшма ташкилоти ихтиёридаги маблағ эса касаба уюшма кадрларини, фаолларни ўқитиш, услубий қўлланмалар яратиш, касаба уюшмалар фаолиятини тарғиб этиш, халқаро фаолиятни юритиш, туман, шаҳар, вилоят ва республика миқёсида ўтказиладиган тадбирларни молиявий таъминлаш, моддий ёрдам кўрсатиш, касаба уюшма ходимларини сақлаш ва ҳрказоларга сарфланади.

Долзарб мавзу

ВАЪДАДАН ИМОРАТ ҚУРИБ БЎЛМАЙДИ

Ҳар қандай корхона ишлаб чиқаришининг баркарорлашувида жамоа шартномаси муҳим ўрин тутади. Ана шу шартнома бандларига тўла амал қилиб, иқтисодни мустаҳкамлаб олган ташкилотлар жуда кўп. Лекин...

Фарғона вилоят қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма қўмитаси тизимидаги бир қанча корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилишга йўналтирилган жамоа шартномаларининг бажарилишида ҳар хиллик кузатилади. Яъни, бирида ишловчиларнинг манфаатдорлиги кўнгилдагидек, меҳнатга, бажараётган ишига иштиёқи баланд. Иккинчисида эса ҳатто ойлик маошни ҳам ўз вақтида ололмаётганликдан ишчилар хуноб. Хўш, бунинг асосий сабаблари нимада?

Давр талабини тўғри тушуниб, жамоа шартномаси асосида ишбилармонликни ривожлантираётган «Қувасойцемент» ҳиссадорлик жамияти жамоаси нафақат вилоятда, балки водийда ҳам ўзига хос ўрин тутмоқда.

Корхонада ишлаб чиқариш сифатининг ошганлиги ва тежамкорликка эришганликни аввало жамоа шартномасининг шарофати, деб қарашади. Шартноманинг, ярим йиллик якунига кўра, меҳнаткашларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун режалаштирилган барча тадбирлар ошиғи билан уддаланган. 300 ўринли маданият саройи жорий таъмирланиб, янги жиҳозлари билан ишчилар ихтиёрига топширилди. Шулар қаторида шартномада кўзда тутилганидек, ҳар бир ишчини меҳнатига яраша ҳар ойда қўшимча маблағ билан рағбатлантириш жорий этилган. Бу ва шунга ўхшаш ўнлаб хайрли тадбирлар жамоа шартномасида қандай белгиланган бўлса, шундайлигича амалиётда татбиқ қилинганлиги боис, ишлаб чиқаришда унумдорликка эришиляпти. Муҳими, ишчи-хизматчилар корхона янада ривож топишига чуқур ишонишади.

Шунингдек, «Кварц» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида ҳам жамоа шартномаси асосида қатъий иш юритилганлиги боис ишчи ва хизматчилар учун иш шароити яхшиланди ва улар тўлиқ ижтимоий муҳофазага олинди. Ярим йилда йигирма нафардан ортиқ ишчи меҳнат таътилини турли санаторий ва профилакторийларда ўтказди. Ногирон, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Соғлом авлод йилида ҳар жиҳатдан замон талабларига мос спорт мажмуининг корхона томонидан қурилиб, фойдаланишга топширилганлиги ҳам жамоа шартномаси шарофатидир. Айни пайтда одамларнинг меҳнатдан ташқари бўш вақтлари самарали ўтиши учун корхона касаба уюшмаси ва раҳбарияти турли тадбирлар ишлаб чиққан. Масалан, спорт ўйинлари қаторида «Мустақиллик мевалари» мавзуида гуруҳлараро, ҳатто оилаларо беллашувлар, суҳбатлар уюштирилди.

Очиғи, ҳар иккала ташкилотда ҳам касаба уюшмаси меҳнаткаш ҳимоячиси, унинг ҳақ-ҳуқуқини таъминлашда маъмурият билан ҳамжиҳатликда иш кўраётганлиги учун ҳам жамоа шартномасидан корхона ва одамлар манфаат кўраётир.

Таассуфки, «Жамоа шартномасини тузиб қўяйлик-чи, кейин бир гап бўлар», қабилида иш тутаётган корхона раҳбарлари ҳам йўқ эмас экан. Акс ҳолда, ярим йиллик таҳлилларда жамоа шартномасида режалаштирилган хайрли ишлар ора йўлда қолиб кетмасди.

Тармоқдаги «Фарғонақурилиш» (раҳбари М.Аҳмадалиев, касабақўм Х.Юлдошев), 4-автобаза (раҳбари О.Пирматов, касабақўм А.Калонов), «Нефтзаводмонтаж» (раҳбари Д.Абдураҳмонов, касабақўм И.Назаров), «Қувасойавтоагро» (раҳбари Х.Рўзиев, касабақўм Ш.Орипов) каби бир қатор ишлаб чиқариш ташкилотларида жамоа шартномасига риоя этилмаганлиги сабабли ишда унум бўлмади.

Бозор талабларидан бири ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ишчини моддий рағбатлантириш. Ана шундагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Номлари қайд этилган корхоналарда жамоа шартномаси шартларини бажаришни қўяйлигу, ишлаб чиқариш тўғри ташкил этилмаганлигидан ишчилар муддатида иш ҳақларини ололмаганлигининг ўзи ачинарли ҳол эмасми?

Масалан, «Фарғонасаноатфуқароқурилиш» ҳиссадорлик жамияти 40006 минг сўм, «Фарғонанефтхиммонтаж» корхонасида 9619 минг сўм, «Қўқонқурилиш» ҳиссадорлик жамияти бўйича 11038 минг сўм иш ҳақидан қарздорлик мавжуд.

Ваъда билан иморат қуриб бўлмайди, дейишади. Жамоа шартномаси номигагина тузилган бўлса, касабақўм муросасозликдан нарига ўтмаса, ишчи ўз меҳнатидан қаноат ҳосил қилиб, манфаат кўрмаса, боз устига, тадбиркорлик, ишбилармонликка амал қилинмаса, корхона қаердан бойисин?

Айниқса, тармоқ бўйича ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса туфайли ногирон бўлиб қолган 64 нафар ходимга ойма-ой тўланиши лозим бўлган товон пулининг вақтида ўз эгаларига етказиб берилмаганлигини кечириш мумкинми? Ҳолбуки, бундай кишилар ишлаб чиқариш жараёнида ногирон бўлиб қолган, айни пайтда ўзи ишлаган ташкилотнинг моддий қўллаб-қувватлашига муҳтож эканлигини касабақўм ҳам, маъмурият ҳам яхши билади.

«Фарғонақурилиш» ҳиссадорлик жамиятидаги биргина ногирон жорий йилнинг март ойидагина товон пулини олган. Ёки «Фарғонанефтхиммонтаж» корхонасидаги саккиз нафар ана шундай ходимлар корхона мутасаддиларига умидвор кўз тикиб туришганлигини муросасоз касабақўмлару бепарво раҳбарлар билишармикин?

Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ,
Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбирлари.

3 декабр — Халқаро ногиронлар куни

Ўзбекистон Қўзи ожизлар жамияти Марказий бошқаруви ўз атрофига 35 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган.

Уларнинг меҳнатга лаёқатлилари айни кунларда республикамизнинг турли вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги 36 та ишлаб чиқариш корхоналарида ижтимоий фойдали меҳнат билан банддирлар.

Жамиятнинг асосий мақсади ғоят эзгу - бундай инсонларни ижтимоий фойдали меҳнатга янада кўпроқ жалб этиш, тўлақонли ҳаёт кечиришларига кўмаклашиш ва ўз салоҳиятлари доирасида касб-ҳунарга йўналтиришдир.

НОГИРОНГА ДАВЛАТ СОЯБОН

Жорий йилнинг ўтган ойиларида ишлаб чиқаришда банд бўлган кўзи ожиз-ногиронлар томонидан 500 миллион сўмлик халқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Булар асосан енгил саноат маҳсулотлари, кўрпа-тўшак жилдлари, махсус ишчи коржомалари ва қўлқоплари, пахта тозалаш заводларида ишлатиладиган техник ва маиший чўткалар, консерва банкалари қопқоқлари, салқин ичимликлар учун ёпқичлардир. Эҳтиёжмандлар корхоналар тасарруфидаги ётоқхоналар билан таъминланадилар.

Касбга йўналтириш ва ўқитиш бораси ҳам кўплаб хайрли ишларга қўл урилган. Кўзи ожиз ногирон болалар махсус мактаб-интернатларда таҳсил оладилар. Бугунги кунда ушбу масканлардаги ўқувчилар сони 1200 нафарни ташкил этмоқда. Ўқиш билан бирга уларга турли касб-ҳунар сирлари ҳам ўргатилади. Шунингдек, мавжуд мусиқа ва драма тўгаракларида истеъдод эгалари кашф этилмоқда. Мактаб-интернатларни тугатгач эса улар истаган олий ўқув юртлари, техникумлар ва ўқув юртларида таълим олишлари, шунингдек, Ижтимоий таъминот вазирлиги қошидаги реабилитация курсида ўқишлари мумкин.

Айни кунларда уларни касбий тайёргарликка ўқитиш мақсадида чет эл сармоялари жалб этилмоқда. Хусусан, Жанубий кореялик хусусий тадбиркор Квак Санг Хун жамият билан шартнома имзолади. Ушбу шартномага мувофиқ касб-ҳунар коллежи қуриш мўлжалланган. Шу мақсадда келаси йилнинг биринчи чорагида хориж сармояси жалб этилади. Мазкур лойиҳа амалга ошгач, яна кўплаб хайрли ишларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Кези келганда саҳоватпеша Квак хомийлигида Охунбобоев номли кўзи ожизлар мактаб-интернати қошида болалар хори ташкил этилганлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истардик. Махсус танловдан ўтгач уларни хорижий ҳамкор ўз ҳисобидан Жанубий Корея, Япония, АҚШ каби мамлакатларга ижодий сафарга олиб бориш ниятида.

Жамият ногиронларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоялаш йўлидаги фаолият доирасини йил сайин кенгайтириб бораётир. Бунда давлатимиз жуда катта меҳрибонлик кўрсатмоқда. Хусусан, Президентимизнинг Фармонлари билан кўзи ожизлар жамияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплексига бириктирилди. Ҳозирда жамиятга «Енгил саноат», «Ўзмевасабзавотузумсаноат», «Озиқ-овқат саноати», «Ёғ-мой тамаки саноати» ҳиссадорлик жамиятлари, «Ўзбек ипаги» корпорацияси томонидан муттасил маънавий ва моддий мадад бериб келинмоқда.

(Давоми 4-бетда)

ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ...

Алишер Навоий даврида, ундаги сиёсий-маданий ҳаётда муҳим ўрин тутган ижодкор сиймолардан бири Паҳлавон Муҳаммад бўлган. У зот илми нужум (астрономия), кимё, тасаввуф, фалсафа, адабиётшунослик, табобат, мусиқа, бастакорлик, хонандалик ва шоирликда шуҳрат қозонган, машҳур курашчи - куштигир ҳам бўлган. Навоий Паҳлавон Муҳаммад билан 40 йил мобайнида яқин дўст, маслакдош бўлганлар, бир-бирларини жуда ҳурмат қилиб, эзгу ишларга рағбатлантириб турганлар. 1493 йил Паҳлавон Муҳаммад вафот этгач, Навоий «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» деб номланган асар ёзиб, унинг хотирасини абадийлаштирган.

Абусаъид Мирзо ҳукмронлиги (1457-1469) даврида маълум тазйиқлар сабабли Ҳиротдан Машҳадга келиб яшай бошлаган Навоий мафосил (бўғин зирқираши) касали билан хасталаниб қолади. Иттифоқо, Паҳлавон Муҳаммад хизмати ҳам шу шаҳарда бўлиб, Навоийни кўргани тез-тез келиб туради. Табобатдан хабардор Паҳлавон шоир муолажасига киришиб кетади.

Кунларнинг бирида у муолажа усулларидан бири — уқалаш билан машғул эканида, шоир чўнтагида букланган бир қоғоз кўради. Унда янги бир ғазал ёзилган бўлиб, Паҳлавон уни олиб, уқалаш пайтида ёдлаб олади ва яна жойига қўяди.

Муолажадан сўнг суҳбат чоғида Паҳлавон шоирдан «Туркийгўй шоирлардан сен кимни маъқулроқ кўрасан?» деб сўрайди. Навоий «ҳаммадан Мавлоно Лутфий яхши», деганида Паҳлавон «нега Насимий демадинг?» дейди. Навоий «хотирамга келмади. Насимий ҳақиқат тариқини адо қилган, саволни мен мажоз тариқида ёзганлар деб тушундим», деган жавобни беради. Паҳлавон ҳалиги ғазални ёддан ўқий кетади, фақат «Навоий» таҳаллусини «Насимий»га ўзгартиради. Ғоят ажабланган Навоий чўнтагига қўл солади ва ғазал жойидалигига ишонч ҳосил қилгач, янада ҳайрон бўлади.

Паҳлавон бу шеърни 12 йилча бурун ёдланган ва бошқа паҳлавонлар ҳам ёд олишган, анчайин фикрлашилган эди, дейди. Эртасига бу ҳақда яна сўз очилади. Навоийнинг таажжуби янада ортади. Зероки, у ғазални янги ёзган, уни ҳеч кимга кўрсатмаган эди. Ниҳоят Паҳлавон бор гапни айтиб беради.

Бу воқеий ҳикоятдан нималарни уқамиз?

1. Навоий ва Паҳлавон Муҳаммад ораларидаги дўстлик самимий, шоирга унинг меҳрибонлиги юксак бўлган.

2. Паҳлавон Муҳаммаднинг олиму фозиллиги, санъатсеварлиги ва бошқа кўп фазилатлари сирасида табиатан одамохун, ҳазил-мутойибага мойил дилбар шахс бўлган.

3. Мавлоно Лутфийни Навоий мажоз тариқида (бизда дунёвий шеърият дейилади) ёзган шоирларнинг пешқадами сифатида эътироф этган.

4. Абулқосим Бобурдан кейин Ҳирот тахтини эгаллаган Абусаъид Мирзо замонида Навоий пойтахтдан йироқ Машҳадга кетган, у ерда моддий ва маънавий машаққатлар чекиб яшаган.

Ғазал мазмуни қуйидагича:

Ҳар қаён боқсам, кўзумга ул

«МУШК ИСИН ЁШУРСА БЎЛМАС...»

қуёшдин нур эрур,
Ҳар сари қилсам назар, ул ой манга манзур эрур.
Қаёққа қарасам, ул қуёшдан нур кўзимга кўринганди;
қайга назар солсам, ул ойни кўраман.
Чун масал бўлди сочинг зулм ичра, ёшурмоқ не суд,
Мушк исин ёшурса бўлмас, бу масал машҳур эрур.

Мушк - қора рангли ва хуш исли нарса, сочнинг қоралиги ва ёқимли ҳиди.

Зулм қилишда, азоб беришда сочинг масал бўлиб кетди, яширмоқдан не фойда? «Мушк исин яшириб бўлмайди» деган мақол машҳурдир.

Телбарабмен то ани кўрмон, ажойибдур буким,
Ул парий девона кўзидин дағи мастур эрур.
Мастур - яширин бекик, телбарамак - телбаланмоқ, девоналанмоқ;
пари-пари; гўзал, севимли, маҳбуба.

Уни кўрмайин телбаланиб, девоналаниб кетдим. Шуниси ажойибки, ул гўзал девона кўзидан яшириндир.

Халқ эртаклари, афсоналаридан маълумки, парилар одамларга кўринмайди. Шоир бадиият илмидаги «истиора» ва «талмеҳ» санъатлари воситасида ана шунга ишора қилмоқда. «Истиора» - парига ўхшаш гўзал севгилини, маҳбубани англатади. «Талмеҳ» - эртак, афсоналар қаҳрамони бўлиб келадиган пари тимсоли (образи)га ишора.

Чун мудом эрнинг майи қошиндадур кофир кўзунг,
Недин эрдинким, даме усрук даме махмур эрур.
Эрн - лаб, дудоқ;
усрук - маст;
махмур - мастлик ҳолати, мастлиги тамом тарқалмаган май хуморийси;
кофир - ғайри дин, раҳмсиз, жафо қилувчи севгили.

Раҳмсиз кўзларинг ҳамиша лабларинг майи устида бўлса ҳам нега баъзан маст, баъзан эса май хуморийсидирлар.

Дилраболар доғи жоним саф ҳасида гўйиё,
Дард эли ишқим учун муҳр айлаган маншур эрур.
Дилрабо - дилни тортувчи жозибали;
доғ - куюк, куйган жой; белги, қоралиқ, из; қайғу, алам;
муҳр айламак - муҳр босмоқ. дард - хасталик; қайғу; ишқ, севги;
маншур - ёрлиқ, фармон.

Жоним саҳифасида жозибали гўзаллар қолдирган доғлар ошиқларнинг ишқим учун муҳр босилган ёрлиғи, фармонига ўхшайди.

Пар уруб бошингга тутма авжким, ҳар неча мўр
Ким қаноатлағай қачон учмоқ анға мақдур эрур.
Пар урмоқ - қанот ёзмоқ, учмоқ;
авж - баланд, юксак;
мўр - чумоли;
мақдур - тақдир, насиб;

Қанот ёзиб, юксакликка учиш фикрида бўлма, чумоли ҳарчанд қанотланмасин, унга учиш тақдир қилинмаган (Яъни ҳар ким ўз имконига кўра, ўз кучи етгунча иш кўради).

Гар Навоий сиймбарлар васфин айлаб кўрса ранж,
Йўқ ажаб, невчунки хом этган тамаъ ранжур эрур.
Сиймбар - кумуш танли, васф - таърифлаш, мақташ, хом этмак - ўринсиз, беҳуда урунмак
тамаъ - очкўзлик билан, ниманидир жуда истамак, ранжур - жафо чеккан, хафа бўлган, ранжиган.

Агар Навоий кумуш танли гўзаллар таърифини қилиб, хафалик кўрса, ажаб эмас, ниманидур жуда исташликда беҳуда уринган киши ранжиб қолади.

Булар шоирнинг адолари. Лекин биз Навоийни тушунишда, унинг шеърларидаги муддаолардан баҳраманд бўлишда бир қадар меҳнат чексак, олам-олам ҳузур топамиз, натижада руҳиятимиз бойийди, дилимиздаги ажиб туйғулар мавжланади.

Суйима ҒАНИЕВА.

OLAMDA

НЬЮ-ЙОРК. Ислом конференцияси ташкилотига аъзо бир неча давлатнинг ташқи ишлар вазирларидан иборат делегация БМТ Хавфсизлик Кенгаши Яқин Шарқ можаросини ҳал қилиш бўйича шошилинч чора-тадбирлар ўтказишига ишонч билдирди. Делегация БМТ Бош котиби Кофи Аннан ҳамда ХК вакиллари билан учрашиб, шу масалада музокаралар ўтказди. Шунингдек, улар халқаро ташкилотдан Фаластиннинг Исроил томонидан босиб олинган ерларига назоратчи жўнатишни сўради.

* * *

ПРАГА. *Чехияда ҳам «мол қутуриши» касаллиги тарқалаётгани кузатилмоқда. Ҳозиргача олти киши ушбу хасталик туфайли оламдан ўтди. Мамлакат шифокорлари бу касалликка қарши кенг кўламли тадбирлар ўтказиш лозимлигини, акс ҳолда қурбонлар сони яқин кунларда юзга етиши мумкинлигини таъкидлаётир. Мамлакат ҳукумати эса Франция, Португалия ҳамда Буюк Британиядан мол гўшти импорт қилишни таъқиқлаб қўйди.*

* * *

ТОКИО. Япония ҳукумати ўн йиллик танаффусдан сўнг, Ироқда яна ўз элчихонасини очишга қарор қилди. Томонлар келишувига кўра, элчихона ҳозирча норасмий ҳолда фаолият кўрсатади ва унда икки ходим ишлайди. Японияниг Ироқдаги элчихонаси 1991 йилда Форс кўрфазида уруш бошланган пайти ёпилган эди.

* * *

ТЕЛ-АВИВ. *Исроил ҳукумати Ғазо ҳудудининг иқтисодий қамалини юмшатишга қарор қилди. Мамлакат мудофаа вазири ўринбосари Эфраим Снэ бу ҳақда баёнот бериб, эндиликда Исроил назорат бўлинмаси орқали Ғазо ҳудудига озиқ-овқат, дори-дармон ҳамда тўқимачилик саноати учун хомашё киритиш мумкинлигини билдирди.*

Хабарларга қараганда, Исроил рўза бошланиши муносабати билан шундай йўл тутган.

(ЎзА).

«МАКТАБЛАР КУНИ»

«Бухоро» нашриёти журналистлар Ж.Исмоилов ва С.Мухторовнинг ана шундай номланган китобини нашрдан чиқарди. Ўтган йили Бухоро вилояти ҳокими қарори билан «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, корхона, жамоатчилик, маҳалла, оила ва мактаб ҳамкорлигини янада яхшилаш, умумтаълим мактабларининг моддий асосларини мустаҳкамлаш, баркамол, салоҳиятли соғлом авлодни тарбиялаш мақсадида 2000 йилдан бошлаб, ҳар ойнинг учинчи душанба куни вилоятда «Мактаблар куни» деб белгиланган эди. Ўтган вақт мобайнида ана шу тадбир туфайли кўплаб ижобий ишлар амалга оширилди, муаммолар ечими топилди.

Рисоладаги «Теран томирлар», «Ташаббуснинг туғилиши», «Қарор ижроси билан», «Раҳбарга кўп нарса боғлиқ», «Келажак олдидаги масъулият» номли лавҳаларда «Мактаблар куни» муносабати билан маҳаллий идоралар раҳбарлари ва кенг жамоатчиликнинг таълим-тарбия ишларига муносабатида рўй берган сезиларли ўзгаришлар, бу борадаги ўзига хос тажриба ва муаммолар таҳлил этилади.

(ЎзА).

Бундан беш йил аввал ўзбек ва немис олимлари иштирокда мамлакатимизда халқаро илмий-технологик конференция ўтказилган эди. Бу йирик илмий тадбир ҳукуматлараро битим доирасида Германия олий ўқув юртлари билан Ўзбекистон илмий тадқиқот институтлари орасида ҳамкорликдаги изланишлар учун пухта замин яратди.

ҲАМКОРЛИКДАГИ ИЛМИЙ ЛОЙИҲАЛАР

Шу мақсадда 7 та лойиҳа тузилиб, илмий тадқиқот ишлари бошлаб юборилди. Шулардан 4 таси Ўзбекистон Фанлар академиясининг электроника институтида бажарилмоқда.

— Ҳозир биз Германиядаги Мюнхен, Кайзерслаутерн, Штутгарт ва Оснабрюк университетлари олимлари билан юқорида айтилган лойиҳалар бўйича биргаликда иш олиб бормоқдамиз, - дейди институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Абдурауф Жўрахонов. - Ҳар бир лойиҳа бўйича илмий раҳбар ва ижрочи тадқиқотчилар белгиланган. Микроэлектроника технологиясида доир тадқиқотга электроника институти томонидан академик Ў.Расулов, Штутгарт университети томонидан ярим ўтказгичлар техникаси институти профессори Э.Каспер илмий раҳбарлик қилмоқдалар. Молекуляр зарраларнинг қаттиқ жисм сирти билан ўзаро таъсирига оид тадқиқот эса Оснабрюк университети профессори В.Хейланд илмий раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар иштирокида ўз илмий ечимини топмоқда.

ШАРҚУ ҒАРБ УЧУН БИРДЕК АЗИЗ

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда мазкур университет ҳамкорлигида Шарқнинг буюк мутафаккири, шоир Абулқосим Фирдавсий таваллудининг 1060 йиллиги олдидан илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда адабиётшунос олимлар, мударрислар, элчихона ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

— Фирдавсийнинг буюк эпик асари «Шоҳнома» юнонларнинг «Илиада», «Одиссея», ҳиндларнинг «Моҳабҳорат», «Рамаяна» сингари адабий ёдгорликлари билан бир қаторда турувчи асардир, — деди университет ректори, профессор Б.Қодиров. — У Эрон ва туронликлар ҳаётига оид лавҳаларни ўз ичига олган. «Шоҳнома» Эрон маданиятининг узлуксиз равнақига салмоқли ҳисса қўшди. У умумбашарий мавзулар — уруш ва тинчлик, эзгулик ва ёвузлик, муҳаббат ва хиёнат каби сифатларни акс эттиргани, халқларни тинч-тотув яшашга даъват этгани боис Шарқу Ғарбда бирдай севиб мутолаа қилиб келинмоқда.

Маълумки, Фирдавсий халқларнинг буюк орзулари — олий жаноблик, инсонпарварлик, адолатпарварлик, севги ва биродарликни мадҳ этувчи ушбу асар устида 35 йил меҳнат қилади. Асар Эрон ва Марказий Осиё халқларининг тўрт минг йиллик тарихини ўз ичига олган. «Шоҳнома» муаллифи инсонларни дўстона яшашга, ноҳақ қон тўкмасликка, барча келишмовчиликларни тинчлик йўли билан ҳал этишга ундайди.



Анжуманда театршунос олим Б.Насриддинов «Шоҳнома»нинг ўзбек миллий театри саҳнасидаги талқинлари хусусида сўзлаб берди. Бу ишга асримизнинг 20-30-йилларида киришилган эди. Ўзбек маърифатпарварлари Хуршид ва Ғози Юнус "Шоҳнома" асосида драматик асарлар яратган эдилар. Шоир ва драматург Хуршид эса «Шоҳнома» сюжетлари асосида опера либреттосини ҳам яратган. Улар ўша даврларда томошабинларга манзур бўлишига қарамай, қатағонга учраб, тақиқлаб қўйилади. Мустақиллигимиз шарофати билан эндиликда «Шоҳнома»нинг иккинчи умри бошланди, десак муболаға бўлмайди.

Шунингдек, анжуманда филология фанлари доктори, профессор Ҳ.Ҳомидий рассом Муҳаммад Мурод Самарқандийнинг «Шоҳнома»га чизган ноёб миниатюра асарлари ҳақида ҳам қизиқарли фикрларни билдирди. Уларни алоҳида альбом шаклида нашр этиб, адабиёт ва санъат мухлисларига армуғон этиш таклифини ўртага ташлади. Профессор Б.Тўхлиев «Шоҳнома» билан Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» асари ўртасидаги умумийлик ва муштараклик ҳақида сўзлаб берди.

Мирза Анвар КАРИМОВ.

NIMA GAP

Тезкор шарҳ

ЮГОСЛАВИЯ: ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ УЧУН СИНОВЛАР БОШЛАНДИ

Югославияда ўтган ҳафтада бошланган террорчилик ҳаракатлари эндигина эркин нафас ола бошлаган мамлакатни яна муаммолар гирдобига отмоқда. 21 ноябр куни тўрт юзга яқин албан айирмачиси Сербия жанубидаги қурол-яроғдан бутунлай холи ҳолатга келтирилган ҳавфсиз ҳудудга бостириб кириб, полицияга ҳужум уюштирди. Бу можаронинг бошланиши бўлди.

Шундан сўнг албан айирмачилари бир неча кун давомида террорчилик ҳаракатлари ва отишмалар уюштириб турди. Ҳатто Буяновац туманига минглаб жангари мустаҳкам ўрнашиб олгани ҳақида маълумотлар тарқатилди.

Жангарилар ҳужум қилган жой - хавфсиз ҳудуд 1999 йилнинг 10 июн куни НАТО раҳбарияти ва Югославия қуролли кучлари бош штабининг ўзаро келишувига кўра барпо этилган. У ерга Югославия армияси ва халқаро кучлар - КФОР бўлинмалари кириши тақиқланади. Ўшанда имзоланган ҳужжатга кўра, бу ҳудудда фақатгина енгил қуролланган серб полицияси фаолият кўрсатиши лозим.

Хавфсиз ҳудудда вужудга келган вазият айни пайтда ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти. Президент Воислав Коштуница НАТО бош котиби Жорж Робертсон ва БМТ бош котиби Кофи Аннанга мактуб йўллаб, можарони бартараф этишда ёрдам сўради. У Косоводаги БМТ миссияси ва КФОР кучлари ўз бурчини тўла бажармаганини ҳам таъкидлаб ўтди.

Белград халқаро тинчликни сақлаш кучларини Косоводаги жангарилар ҳаракатини дарҳол назорат остига олишга чақирмоқда. Акс ҳолда, у ерга ўз қуролли кучларини сафарбар этиши мумкин.

Ҳозирча вазият бироз енгиллашган. Албан айирмачилари тўқнашувларни тўхтатиб туришга кўнди. Бироқ, бу мураккаб вазият тамоман бартараф этилди, дегани эмас. Айрим оммавий ахборот воситаларида таъкидлаганидек, сиёсатчи ва давлат арбобларига ўйлаб иш кўриш учун имконият яралди, холос. Баъзи кузатувчилар ҳозирданоқ террорчилик ҳаракатларига жавобгар жангарилар Косово озодлик армиясининг бўлаги саналмиш Буяновац-Медведи-Пресево озодлик армияси аъзолари ҳисобланади, улар Сербия тасарруфидаги Пресево водийсини Косовога қўшиб олмоқчи, деган фикрни билдиришга улгурди.

Мутахассисларнинг аксарияти томонларнинг ўзаро ўт очмай тургани вақтинчалик ҳолат, аслида вазият мураккаблашиб бораётир ва куни келиб портлаш юз бериши мумкин, деган хавотирни ҳам айтмоқда. Чунки, албан жангарилари ўз хатти-ҳаракатини янада кучайтирса, муросасизлик қилса, серб хавфсизлик хизматининг юқори жанговар тайёргарликка келтирилган кучлари уларга қарши уруш бошлаш тўғрисида буйруқ олиши мумкин.

Президент Воислав Коштуница қийин аҳволда қолган. Чунки вазиятнинг қайси томонга ўзгариши кўпроқ унга боғлиқ. Агар уруш бошланиб кетса, бу энг аввало собиқ президент, яқиндагина Сербия Социалистик партияси етакчиси этиб сайланган Слободан Милошевичга жуда қўл келади. Чунки, серб кучлари ҳаракатга келганидан кейин, Косовонинг оддий фуқароларига зиён етса, барча айб Белградга чапланади. Бунинг натижасида юзага келган вазиятдан С.Милошевич ташвиқот ишларида кенг фойдаланиши турган гап. Қолаверса, у В.Коштуница ва унинг ҳукуматини Ғарбга сотилганликда ва пул эвазига косоволикларга серб-ларга қарашли ҳудудларни бериб юборганликда айблаган. С.Милошевич ва унинг партияси ҳаракатга тушиб қолгани бежиз эмас, албатта. Улар декабрда ўтказиладиган парламент сайловида ғалаба қозониш учун ўзига ҳозирдан замин тайёрламоқда.

Зохир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

НОГИРОНГА ДАВЛАТ СОЯБОН

(Боши 3-бетда).

Айтиш жоизки, ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг энг кам иш ҳақи бугунги кунда оз эмас. Бу давлатимиз томонидан ногиронларга кўрсатилаётган меҳр-мурувват нишонасидир.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак» деган сўзлари биз учун дастуруламал бўлиб қолди. Республикамиздаги ҳар бир корхона ва ташкилотлар, саҳоватпеша тадбиркорлар биздан ўз ёрдамларини аямаётганлари ҳам одамлар қалбидан чуқур жой олганлигини кўрсатмоқда. Сўзимнинг исботи сифатида таъкидламоқчи эдимки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси жуда катта саҳоват кўрсатиб биринчи ва иккинчи гуруҳ кўзи ожиз ногиронлар учун ҳар йилнинг 15 октябридан 31 майигача фойдаланишлари мумкин бўлган имтиёзли мавсумий чипталарни ташкил этган. Бунда улар чипта нархининг 50 фоизинигина тўлайдилар холос. 1-гуруҳ кўзи ожиз ногиронларни кузатувчи шахс ҳам бу имтиёздан фойдаланади.

Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг яна бири шаҳар транспортидан фойдаланишдаги имтиёзлардир. 1- гуруҳ кўзи ожиз ногиронлар кузатувчиси билан биргаликда шаҳар транспортида (таксидан ташқари) бепул юрадилар. Шаҳардан ташқаридаги транспортлардан эса 50 фоизлик чегирма билан фойдаланадилар.

Жамият аъзоларининг соғлиқларини тиклаш учун Янгийўл шаҳрида юрак ва асаб касалликлари санаторийси беминнат хизмат қилмоқда. Уларнинг фарзандларини соғломлаштириш учун Косонсой туманидаги болалар оромгоҳи, Самарқанд вилоятидаги Зариф Эргашев номли оромгоҳлар фаолият кўрсатмоқда.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, жойлардаги хокимликлар ҳам кўзи ожиз ногиронлар холидан доимий хабардорлар. Ана шу меҳрибонлик туфайли яқинда Шаҳрихон ва Термиз шаҳарларида истиқомат қилаётган уй-жойга муҳтож 36 нафар ногирон квартира билан таъминланди.

Марказий бошқарув қошида хорижий жамиятлар билан хамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, чет эл инвестицияларидан фойдаланиш мақсадида ташқи алоқалар бўлими иш бошлади. Айни кунларда жамият Европа кўзи ожизлар Федерациясининг фавқулодда аъзоси, Осиё кўзи ожизлар жамиятлари Федерацияси аъзоси, Осиё кўзи ожизлар жамиятлари спорт қўмитаси аъзоси ҳисобланади. Бундан кўриниб турибдики, уларни спорт-соғломлаштириш ишларига жалб этиш ҳам намунали йўлга қўйилган. Хусусан, жорий йилнинг октябр-ноябр ойларида Туркманистонда ўтказилган Ўрта Осиё кўзи ожизлар жамиятлари ўртасидаги шахмат-шашка ҳудудий биринчилигида жамият спортчиларининг биринчи жамоаси ғолиб бўлган бўлса, иккинчи жамоаси эса 3-ва 4-ўринларни эгалладилар. Бу билан улар келаси йили Осиё кўзи ожизлар жамиятлари спорт қўмитасининг шахмат-шашка мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Жамият аъзолари билан суҳбатлашар эканмиз, улар ўзларига кўрсатилаётган меҳр ва ғамхўрликлардан беҳад мамнунликларини билдирдилар:

— Уй-жойимни таъмирдан чиқаришга маблағдан қийналиб қолдим, - дейди 1-гуруҳ кўзи ожиз ногирон Мусахон Маматхонов. — Жамият менга 50 минг сўм миқдорида моддий ёрдам ажратди. Бундан ташқари саломатлигимни тиклаш учун зарур шифо масканларига бепул йўлланма олишимда ҳам ўз ёрдамини аямаётир. Давлатимизнинг биз ногиронларга бундай эътиборидан бошимиз осмонга етмоқда.

— Жамият аъзолари доимий равишда жамоа шартномасида кўзда тутилган моддий ёрдамларни ўз вақтида олиш имкониятига эгалар, - дейди биринчи гуруҳ кўзи ожиз ногирон Хусанбой Ғиёсов. — Жамиятга кўмак сўраб келган ҳеч бир кўзи ожиз ногирон умидсиз қайтмайди. Уларга имкон даражасида моддий ва маънавий мадад кўрсатилади. Шуни таъкидламоқчи эдимки, жорий йилда Марказий бошқарув томонидан кўзи ожиз ногиронларга 500 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. 200 нафарга яқин киши бепул йўлланмалар билан таъминланди.

Ёлғиз кўзи ожиз ногиронлардан эса уйларига бориб хабар олинади, байрамларга таклиф этиладилар. Бунда вилоят бошқарувлари саъй-ҳаракатлари ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ.

Олимжон АҲМАДЖОНОВ,
Республика Кўзи ожизлар жамияти марказий бошқаруви раиси.

ТАЪЗИМ СИЗГА, ЯХШИЛАР!

энди ўқувчилар қиш фаслини хотиржам ўтказишади

Шўрчи туманида 55 та умумий ўрта таълим мактаби, 28 та мактабгача тарбия муассасаси мавжуд. Ушбу масканларнинг барчасида қишга тайёргарлик ишлари вақтида ўтказилди. Айтиш мумкинки, иш туман халқ таълими бўлими ва таълим ҳамда фан ходимлари касаба уюшма қўмитасининг ҳамкорликда имзолаган жамоа шартномасига асосан ташкил этилганлиги боис ҳам бунга эришиш мумкин бўлди. Энг аввало, туман халқ таълими бўлимининг амалий дастури ишлаб чиқилиб, ишчи гуруҳи таркиби тузилди, қатъий назорат ўрнатилди.

Туман ҳокимлиги ҳам қараб турмади. Ҳокимиятнинг бевосита амалий ёрдами туфайли 3, 9, 11, 15, 38, 51-умумтаълим мактаблари, 1, 2, 13-болалар боғчаларида таъмирлаш ишлари ҳомийлар ҳисобидан сифатли бажарилди. Тумандаги 3 та мактаб ва 3 та боғча газ билан, 47 та мактаб ҳамда 19 та болалар боғчалари кўмир билан иситилади. Шартнома бўйича айни кунга қадар 2003 тонна кўмир олиниб, таълим муассасаларига тарқатилди.

Шунингдек, тумандаги 4, 41, 48, 50-умумий ўрта таълим мактабларида водопровод насоси қайта таъмирланди. Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан текшириш чоғида аниқланган камчиликлар тўлиқ бартараф этилди. Жумладан, 7-ўрта мактабнинг биноси томини таъмирлаш ва дераза ойналарини алмаштириш учун 1 миллион 170 минг сўм, 36-ўрта мактабнинг иссиқлик узатиш тармоғини таъмирлаш учун 960 минг сўм маблағ ҳомий ташкилотлар ҳисобидан сарфланди.

Умуман олганда қишга тайёргарлик ишлари учун 6 миллион 80 минг сўмлик иш бажарилди, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири вазифасини бажарувчи Чори Мустафоев. — Демакки, қиш фасли қандай келишидан қатъи назар, Шўрчи туман мактаб ва боғчаларида масъулиятли мавсум яхши ўтади дейишга асос бор.

Бунинг учун оталиқ ташкилотлар - «Шўрчи пахта тозалаш», «Тужжор» ва «Шўрчи» савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти, туман ҳокими томонидан кўрсатилган амалий ёрдам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

«БИЛЛУР ЛИБОС»

«Зару заргар-2000» халқаро кўргазмаси доирасида Тошкентдаги «Зарафшон» концерт залида «Биллур либос» фестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистон Бадиий академияси, Дизайнерлар халқаро уюшмаси ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар қўмитасининг Давлат Проба палатаси ташкил этган ушбу тадбирга дунёга машҳур «Пфаф-Зингер» ва «Кока-Кола» компаниялари ҳомийлик қилди. Фестивалда модельерлар, рассомлар, дизайнерлар, санъатшунослар, мода ихлосмандлари ҳамда хорижий давлатларнинг юртимиздаги элчихоналари вакиллари иштирок этди.

Томошабинлар эътиборига ўзбекистонлик дизайнерлар Лола Сайфийнинг «Роҳат Луқум», Абдукарим Ашуровнинг «Услуб ва сиймо», Умида Икромованинг «Ўзбекистоннинг қора олтини», Лариса Теннинг «Хаёлот», польшалик Элвира Зарембанинг табиий толалардан тикилган «Экология», озарбойжонлик Элнора Алиеванинг «Бокудан», қирғизистонлик Галина Турдиеванинг «Ўтмишдан келажакка» деб номланган либослар туркуми ҳавола этилди. Фестивалга тақдим этилган «Агама», «Tumor Agat» сингари хусусий корхоналарнинг либос ва зеб-зийнатлари мутлақо янгича, ноанъанавий усулда яратилганлиги билан йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

(ЎзА)

ФЕСТИВАЛ ЯКУНЛАНДИ

Самарқандда Республика қўғирчоқ театрлари VI фестивали поёнига етди. Тўрт кун мобайнида ёш томошабинлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларидан ташриф буюрган қўғирчоқ театрлари - 13 та ижодий жамоанинг хилма-хил асарларини мароқ билан томоша қилдилар.

Шунингдек, санъат шайдолари фестивал кунларида таниқли актёр ва хонандалар билан учрашувлар ўтказишди. Самарқанд давлат чет тиллари институти ҳамда банк коллежи талабалари Муҳаммадали Абдуқундузов, Мардон Мавлоновлар мароқли учрашувларнинг гувоҳи бўлдилар.

Ҳакамлар ҳайъати фестивалга тақдим этилган саҳна асарларини кўриб чиқиб, биринчи ўринни Фарғона вилоят қўғирчоқ театрига, иккинчи ўринни Асрор Жўраев номидаги Самарқанд вилоят қўғирчоқ театри ва Республика актёрлар уйи қошидаги мусиқий тажриба қўғирчоқ «Семурғ» студияси ижодий жамоасига, учинчи ўринни Хоразм ва Бухоро вилоятлари қўғирчоқ театрларига беришга қарор қилинди.



2-Женов шифохонаси Усмон Юсупов туманидаги намунали тиббиёт масканларидан биридир. Яқинда бу ерга замонавий асбоб-ускуналар келтирилди. Тажрибали шифокорлар имкониятлардан унумли фойдаланиб, эл олқишига сазовор бўлишмоқда.

Суратда: бош шифокор А.Қулматов (ўнгда) тиббиёт ҳодимлари билан мулоқот чоғида.

З.РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

МИРЗАЧЎЛДА МИРТЕМИР РУҲИ

Гулистон шаҳрининг Олим Хўжаев номидаги мусиқали драма театрида шоир Миртемир таваллудининг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Тадбирга республикамизнинг таниқли адиб ва шоирлари ташриф буюрди. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов сўзга чиқиб, ўзбек адабиётининг атоқли намояндаси, моҳир таржимон ва беназир инсон Миртемир домланинг ижоди ва ҳаёт йўли ҳақида гапирди.

Тадбирга тўпланган юзлаб сирдарёлик шеърият мухлислари адабиётшунос Ғаффор Мўминов, Ўзбекистон халқ шоирлари Ҳалима Худойбердиева, Жуманиёз Жабборов, Муҳаммад Юсуф, Тўра Сулаймон ва бошқаларнинг Миртемир ҳақидаги хотираларини, устоз ижодидан намуналарни ҳаяжон билан тингладилар. Хотира кечасида Миртемир шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар янгради.

(ЎзА)

БОБОЛАРДАН ҚОЛГАН БУ СПОРТ

Самарқанд вилоятининг Тойлоқ тумани Республика олимпия ўринбосарлари тайёрлаш касб-ҳунар коллежи спорт мажмуида турон жанговар яккакураши бўйича 1984-85-йилда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида республика биринчилиги ўтказилди. Мазкур мусобақада барча вилоятлар терма жамоалари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар касаба уюшма жамоа аъзолари, спорт клублари тарбияланувчиларидан иборат 200 нафардан ортиқ турончилар 8 вазн бўйича беллашдилар.

Аждодларимиз томонидан қўлланилган турон яккакураши эндиликда соғлом авлод тарбияси учун кенг миқёсда хизмат қилаётир.

Миллий спорт турлари орасида ушбу яккакураш кейинги тўрт йил ичида ўзига хос тарзда ривож топиб, мухлислари сонини кун сайин орттириб бормоқда. 1995 йилдан халқаро тамойил олган турон беллашувлари ўндан ортиқ мамлакат вакилларини ўзига жалб қилиш билан бирга миллий қадриятларимизнинг бир бўлаги сифатида ўзбек халқи анъаналарини яқиндан таништиришда қўл келаяпти.

Турон яккакураши федерацияси президенти Баҳодир Саидов бобомерос спорт тури қишлоқ ёшлари ҳаётига чуқур сингиб бораётгани, унга эндиликда ҳақиқий спорт сифатида қаралаётганини таъкидлаб ўтди. Қолаверса, аввалги мусобақаларда тажриба орттирган устозлар қатори вилоятлардан янги-янги мураббийлар ўз шогирдларини чиройли баҳс юритиш сирларидан тўла воқиф қилишгани боис барчага манзур бўлувчи турон кураши намойиш этилди. Шу ўринда, қашқадарёлик ёш мураббий Норпўлат Бобомуродовнинг 6 ойлик фаолияти давомида ўнлаб иқтидорлиларни тайёрлаб улгургани мақтовга лойиқдир. Унинг шогирдларидан З.Тўрақулова фахрли иккинчи, З.Чориева учинчи ўринни эгаллашди.

Икки кунлик баҳслар натижасига кўра, тошкентлик А.Файзиев, Ш.Қозоқбоев, бухоролик С.Раҳимов, самарқандлик И.Жалилов, қизлардан самарқандлик С.Неъматова, фарғоналик Ф.Тожибоева ва тошкентлик Т.Қандауровалар ўз вазнлари бўйича ғолибликни қўлга киритдилар.

"Туркистон-пресс"

МЕТРО ТАРИХИДАН ПИЧА

Метро тарихига назар ташлайдиган бўлсак, дастлабки ер ости темир йўли 1890 йилда Лондонда ишга туширилган. 1896 йилда Будапештда, 1900 йили Парижда, 1902 йили Берлинда, 1907 йили Филадельфияда, 1912 йили Гамбургда, 1913 йили Буэнос-Айресда, 1919 йили Мадридда, 1927 йили Токиода, 1928 йили Барселона ва Ослода, 1930 йили Афинада, 1933 Стокгольмда, 1935 йили Москвада, 1977 йили Тошкентда метролар фойдаланишга топширилди.

Метро — вақтни тежовчи транспорт воситасидир. Метрода мутасил қатнайдиган киши йилига 243 соат вақт тежаб қолади.

Берлин метросининг 11 километрлик биринчи навбат қисми олти йилда, Римда 25 километрлик туннель ўн икки йилда қурилди.

Париж ер ости поезди соатига 25 километр, Нью-Йоркда — 32, Лондонда — 34, Москвада — 38 километр тезликда юради. Бу ўртача тезлик, холос. Метроларнинг айрим йўлларида поезд тезлиги соатига 43 километрга, тезюрар ер ости поездлариники эса 70 километргача етади.

Берлин метросининг бунёдкорлари сувли қатламга, парижлик қурувчилар ўнқир-чўнқир сатҳга, лондонлик метрочилар режасиз қурилган ерости иншоотларига дуч келишган эди.

Тошкент метрополитенининг навбатдаги учинчи Юнусобод метро йўли 2001 йилда қуриб битказилади.

А.АЛИЕВ.

ШИФОБАХШ НЕЪМАТ

Ўзбекистонда ўзининг иккинчи ватанини топган мевали дарахтлардан бири хурмодир. Хурмонинг меваси хуштам, тўйимли бўлиб, парҳезлик ва шифобахшлик хусусиятга эга. Ғарқ пишган хурмо меваси таркибида 20-25 фоиз, қуритилган хурмода эса 65 фоизга қадар қанд моддаси бўлади. Жануби-шарқий Осиёда хурмо қадимдан етиштириб келинади. Европада хурмо илк бор XVIII аср ўрталарида Франциянинг жанубида пайдо бўлган. Кейинчалик у Ўрта денгиз мамлакатларига ҳамда Ер курраси нинг бошқа ўлкаларига тарқалди. Дунёда ҳозир хурмонинг 1000 дан зиёд нави бор. Турли мамлакатларда хурмо ҳар хил ном билан юритилади. Чунончи, Японияда "каки"(сара мева дегани), инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда"— "ориентал персимон"(шарқ хурмоси) ва "дейтплам"(хурмо олхўриси), Италияда — "лото дель жиппанс"(япон хурмоси) ва ҳоказо номлар билан машҳур. Ўрта Осиёда, дастлаб, 1910-1914 йилларда хурмо экилган.

Тож талабгорлари

НИМЦОВИЧ

Ўтмишдаги машҳур шахматчиларнинг энг ғаройиби Арон Нимцовичдир. Зиддият ҳаваскори, ҳар томонлама маданиятли бу кишининг ҳамиша рост гапиришга журъати етарди. Лекин одамларни ажратишни сира билмасди, нўнок эди. Табиати нозик, таъсирчан бўлиб, уни жиддий самимият, айниқса мусиқа ва театр ўзига тортди. Айни вақтда у катта йиғинлардан қочар, шовқин-суронли ҳаётни ёқтирмасди.

Нимцовичнинг деярли миридан-сиригача биладиган нарса — шахмат эди. У 1886 йили 7 ноябрда Ригада туғилди. Ўйин қоидалари билан 8 яшарлигида танишди. Унинг биринчи устози отаси бўлган. Боланинг шахмат қобилияти тезда намоён бўлди. Дастлабки пайтлардаёқ ёш шахматчининг ўзига хос тафаккури, ҳақиқат йўлидаги фидойилиги барчани ҳайратга солган. Анчадан кейин феълидаги бу хусусиятлар Нимцовичга назарияга кўплаб янги ғоялар киритиш, шахмат илмини бойитган бир қатор стратегик муаммоларни ишлаб чиқиш имконини берди. У шахматдаги нуқтаи назарини кенг шуҳрат қозонган «Блокада», «Менинг системам» ва «Менинг системам амалда» номли китобларида баён қилди.

Нимцовичнинг ижодий табиатига ҳар қандай қўринишдаги догматизм ёт эди. Унинг танқиднайзаси асосан ортодоскал йўналишнинг ғоявий раҳбари — Таррашга қаратилгани ажабланарли эмас. Икки шахмат девининг баҳси жуда маҳсулдор бўлиб чиқди ва шахмат илмининг ривожига кўмаклашди.

18 ёшли Нимцович биринчи марта катта турнирда 1904 йили Кобургда иштирок этди. Лекин муваффақиятсиз ўйнади. Унинг бир йил кейин Бармен ва Венадаги иштироки яна ҳам муваффақиятсизроқ бўлди. Лекин 1906 йили Нимцович Мюнхендаги турнирда биринчи совринни қўлга киритди. У шахмат Олимпи сари кўтарила бошлади.

Айниқса, унинг урушдан кейинги йиллардаги ғалабалари ҳеч кимни бефарқ қолдирмаганлигига қарамай, у чўққини сира эгаллай олмади. 1923 йилдан то 1933 йилгача у 22 та турнирда қатнашиб, фақат учтасидагина совриндорлар сафига киролмади. 11 тасида у биринчи ўринга эришди ва баҳам кўрди. Унинг Карлови Варидаги ғалабаси (1929) бениҳоя зўр бўлди: Капабланка, Рубинштейн, Эйве, Марошци, Маршаллардан ўзиб кетди!

Ҳамма уни жаҳон биринчилиги матчига муносиб деб ҳисобларди. Лекин бундай матч ўйналмай қолди. Шахматчининг кўп сирларини очиб берган Нимцовичга бу матч йўлида турган молиявий тўсиқни енгиш насиб этмади.

Нимцович 1935 йил 16 мартда Копенгагенда вафот этди.

Мамажон МУҲИТДИНОВ.





МАРОҚЛИ МАШҚЛАР

Иккала тасвирда ҳам юриш оқлардан. Натижа қандай бўларкин?

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси.

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 23.15

Буюртма Г— 1124. 1 2 3 4 5 6